ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

М.МАМАЖОНОВ

Мақолада аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришнинг аҳамияти ёритилган. Андижон вилояти меҳнат ресурсларининг ҳолати ва аҳоли бандлиги масаласини ўрганиш асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.Бандлик муаммосини ҳал қилишга ижтимоий муҳофазанинг негизи сифатида қаралиб, бу борада фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш зарурати асосланган.

***Калит сўзлар**: меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, бандлик, ижтимоий ҳимоя*

В статье освещена роль развития экономической и социальной сфер в обеспечении социальной защиты населения. Исходя из анализа состояния трудовых ресурсов и проблем занятости в Андижанском вилояте, разработаны практические рекомендации. Рассматривая решение проблем занятости как основа социальной защиты, автор обосновал необходимость проведения активной социальной политики в данной сфере.

***Ключевые слова**: трудовые ресурсы, рынок труда, занятость, социальная защита.*

This article depicts the role of development economic and social spheres of life in providing the social defense of the population. Based on the analysis of the situation in labor resources and the problem of employment in the Andijan region the author worked out practical recommendations. Treating the problem of employment as the main means of defending the population the author recommends to provide active social policy in this field.

***Key words:** labor resources, labor market, employment, social defense.*

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бу борада таъсирчан сиёсатни амалга ошириш, энг аввало, мамлакатда мавжуд демографик вазиятдан келиб чиқади, қолаверса, миллий ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришдан кўзланган мақсад ҳам айнан аҳолининг турмуш шароити ва яшаш даражасини яхшилашдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида: “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга” [1.48],- деб белгилаб қўйилган.

Давлатнинг асосий функцияларидан бири ижтимоий ҳимоядир. У иқтисодий ривожланиш самарасига ва натижаларига боғлиқ бўлиб, аҳоли даромадларини маълум даражадан пастга тушириб юбормаслик учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя аниқ мақсадларга йўналган, у кўпроқ жамиятнинг нисбатан заиф ва кам таъминланган, ижтимоий муҳофазалашга муҳтож қатлами ҳамда ҳудудларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилади.

Аҳолининг ҳудудий тақсимланиши ва кўпайишида унинг миграцияси катта аҳамият касб этади. Айни пайтда, у бир бутун ҳудудда демографик ва ижтимоий географик вазиятнинг ўзгаришига ҳам олиб келади. Шунингдек, аҳолининг ўсиш суръатларидаги фарқларга ушбу ҳаракат ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатади. Мазкур жараён мамлакатимиз вилоятларида ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қилади.

Агар биз ушбу ҳолатни Андижон вилояти мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, вилоятнинг деярли барча туманлари қадимдан аҳоли яшаган, деҳқончилик, боғдорчилик ва миллий ҳунармандчилик ривожланган ҳудудлардан бўлгани сабабли, бу ерларда, асосан, маҳаллий аҳоли яшаган. Вилоятнинг чўл зўнаси ҳисобланувчи Улуғнор ва Бўз туманлари ўзлаштирилиб, пахтачиликни ривожлантириш мақсадида аҳолини кўчириб келиб вужудга келтирилган туманлар ҳисобланади.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда меҳнат русурслари алоҳида ўрин эгаллайди. Дарҳақиқат, меҳнат ресурсларининг салоҳияти ва бандлик даражасини Андижон вилояти мисолида таҳлил қилсак, қуйидаги манзаранинг гувоҳи бўламиз.

Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишлари

мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари билан бевосита боғлиқдир. Шунга кўра, фикримизча, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалаларини бозор иқтисодиёти асосларини яратишнинг умумий стратегияси доирасида ҳал этиш мақсадга мувофиқ.

Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида фикр юритганда, биринчи навбатда, жамиятнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишлашни хоҳловчи ҳар бир фуқаросига ижтимоий механизмни қўллаш орқали меҳнат қилиш учун шароит яратиб бериш энг муҳим вазифалардан бири эканлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Чунки меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг энг юқори босқичидир.

Бошқача айтганда, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш асосида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамиятнинг устивор вазифаларидан бири бўлмоғи лозим. Қуйидаги жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, Андижон вилоятида меҳнат ресурсларининг сони 1,5 млн кишига яқин бўлиб, унинг салмоғи умумий аҳолининг 50 % га яқинини ташкил этади. Меҳнат ресурсларининг ҳудудий таркибида Андижон шаҳри ва Шаҳрихон тумани алоҳида ажралиб туради. Бу ҳудудларнинг ҳар бирида шаҳар ва туман аҳолисининг 70 % дан ортиғи меҳнат ресурслари ҳисобланади. Айни вақтда меҳнат ресурсларининг энг кам салмоғи Улуғнор ва Бўз туманларига тўғри келади. Ушбу туманларда 28.1, 31.4 минг меҳнат ресурслари мавжуд. Уларнинг вилоятдаги салмоғи 1,9 ва 2,2 фоизни ташкил этади. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд. Биринчидан, ҳар иккала туман табиий шароити ноқулай, табиати инжиқ; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган, истеъмол маҳсулотларига айлантирадиган ва сақлайдиган кичик, қўшма корхоналар йўқлиги, бошқа соҳалар билан аҳоли бандлигини таъминлаш имкони излаб топилмагани, аҳолининг табиий кўпайишини режалаштиришга эътибор қаратилмаётгани ушбу туманларда аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳимоя масалаларига амалий ёндашилмаётганидан дарак беради. Улуғнор ва Бўз туманлари инфратузилмаларининг ривожланиши вилоятнинг бошқа туманларидан кескин фарқ қилиши, ривожланишда анча орқада экани кўзга ташланади. Умуман олганда, ҳар иккала туман қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигининг интенсив соҳаларини ривожлантириб меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланмаётгани маълум бўлиб қолмоқда.

Андижон вилоятида аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳақида маълумот*
(2010 йилга нисбатан)

№	Шаҳар ва туманлар	Доимий аҳоли сони (минг киши)	Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони (минг киши)	Банд бўлган аҳоли сони (минг киши)	Ишсиз деб тан олинган аҳоли сони (минг киши)	Қишлоқ жойларида яратилган янги иш ўринлари
			Шаҳарлар			
1	Андижон	371.4	243.2	128.2	251	
2	Асака	57.1	36.3	32.2	60	
			Туманлар			
3	Андижон	208.4	119.1	81.2	268	2203
4	Асака	199.6	115.5	73.4	174	1758
5	Балиқчи	156.9	89.4	74.2	217	1750
6	Булоқбоши	114.0	65.5	44.9	183	1083
7	Бўз	56.5	31.4	28.3	137	1040
8	Жалақудуқ	151.7	87.8	62.9	141	1074
9	Избоскан	193.2	112.4	81.3	195	2024
10	Мархамат	137.9	80.4	50.4	278	2145
11	Олтинкўл	141.0	79.6	55.2	44	685
12	Пахтаобод	153.5	88.3	67.8	113	1413
13	Улуғнор	48.9	28.1	20.6	117	2631
14	Хўжаобод	89.7	52.5	35.1	148	1264
	Қўрғонтепа	208.3	121.4	70.1	230	2290
	Шаҳрихон	236.6	138.5	90.7	235	2341
Вилоят бўйича		**2524.7**	**1.489.4**	**996.5**	**2791**	**23701**

**Жадвал Андижон вилояти статистика бош бошқармасининг маълумотлари асосида тузилган*

Вилоятдаги 1.489.4 минг меҳнат ресурсларининг 996.5 минги ёки 67 % ини иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳоли ташкил қилади. Уларнинг асосий қисми Андижон шаҳри, Шаҳрихон, Қўрғонтепа, Андижон туманларига тўғри келади. Бугунги кунда вилоятда расман ишсиз деб тан олинганлар сони 2791 кишини ташкил этади. Меҳнат ресурслари деб ҳисобланган аҳоли таркибида вақтинчалик, бир марталик ва мавсумий иш бажараётганлар сони 155336 кишини, меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан уй хўжалигига ва тадбиркорларга ёрдамлашаётганлар 77956, рўйхатга олинмасдан ва тегишли рухсатномаларсиз ишлаётган тадбиркорлар 132302, бозорда ишлаётганлар (савдо, харидор ва сотувчиларга хизмат кўрсатаётган) ва бозордан ташқарида (муқим савдо шахобчаларидан ташқарида) савдо қилаётганлар 67209, тадбиркорликнинг бошқа турлари (хусусий киракашлик, ҳунармандчилик, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш) соҳаларида банд аҳоли 65093 кишини ташкил этади. Афсуски, иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ҳали катта: рўйхатга олинмаган ишсиз, лекин ишлашни хоҳловчи ва унга тайёр фуқаролар сони 65419 кишини ташкил этади. Демак, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси кўпроқ иқтисодий нофаол аҳоли таркибига қаратилиши керак.

Аҳолини иш билан таъминлашда янги яратилаётган иш жойларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Йил мобайнида вилоятда мулкчилик турларининг барча шакллари бўйича 23701 та янги иш жойи яратилди. Уларнинг ярмидан кўпи бюджет ҳисобидан яратилган бўлса, қолганлари нодавлат субъектларнинг маблағлари ҳисобига тўғри келади. Кузатилган йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор берилгани натижасида 206905 та иш жойи яратилди. Шундан бевосита кичик ва ўрта корхоналарда 7140 та, деҳқон ва фермер хўжаликларида 1298 та иш ўринлари яратилиб, аҳоли иш билан таъминланди.

Аҳолини иш билан таъминлашда бўш ишчи ўринлари ярмаркаларининг ўтказилиши ҳам яхши самара бермоқда. Ўтган давр мобайнида 107 та, жумладан, меҳнат биржаси марказида 12 марта ярмарка ўтказилди. Бўш ишчи ўринлари ярмаркаларига жами 8163 киши қатнашди. Улардан 4391 киши ишга жойлашган, 944 киши касб-ҳунар ўрганишга, 281 киши вақтинчалик хақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган. 2547 кишига уларни қизиқтирган меҳнатга оид масалаларда маслаҳат берилган.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида ўтказилган ярмаркаларда жами 2104 та корхона ва ташкилотлар 7948 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркаларнинг самарадорлик даражаси, яъни ишга жойлаштирилган аҳолиниг ярмаркаларда қатнашган аҳоли сонига нисбати 53,7 фоизни ва таклиф этилган бўш иш ўринларига нисбатан 55,2 фоизни ташкил этди.

2010 йилнинг 11 ойи давомида иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига вилоятнинг барча корхона ва ташкилотларидан (қишлоқ хўжалигидан ташқари) 823 млн. 947,6 минг сўм мажбурий ажратмалар тушириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 824 млн 850,3 минг сўм маблағ тушиб, режа 100,1 фоизга бажарилган.

Кўрилаётган даврда жамғармадан ёш ҳисобида белгиланган ишсизлик нафақасига 52749,4 минг сўм, касб-ҳунар ўргатишга 94 млн. 677 минг сўм, жамоат ишларига 17 млн. 470 минг, муддатдан олдин пенсияга 34 млн. 255 минг сўм, янги иш ўринлари яратиш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда оилавий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга 426 млн. 972 минг, якка тартибда уй-жой қуришга 40 млн. сўм ажратилган.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш чора-тадбирлари деҳқон ва фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ва ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди. Ҳозирга келиб мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми деҳқон ва фермер хўжаликларига тўғри келади. Бу, албатта, республика аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммосини ечишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Алоҳида таъкидлаш зарурки, деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарни ташкил этиш ишларини жадаллаштириш мавжуд меҳнат ресурсларини ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидан бўшаётган ишчи кучини иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиради.

Масалан, ҳисоб-китобларимиз бўйича 500 литр (ёки 0,5 тонна) сутни қайта ишловчи кичик корхона (цех)да 30 киши ишлаши мумкин. Вилоят фермер хўжаликларида бир йилда ўрта ҳисобда 124 минг литр сут тайёрланади. Унинг учдан бир қисми аҳолининг шахсий истеъмоли учун сарфланса, яна учдан бир қисми савдо шаҳобчалари орқали сотилса, қолган қисмини қайта ишлаш

мумкин бўлади. Демак, 41 минг литр сутни қайта ишлаш имконияти мавжуд. Меъёр бўйича бир кичик корхона қуввати 500 литр сутни қайта ишлашга мўлжалланган бўлса, 41 минг литр сутни қайта ишлаш учун 82 та кичик корхона қуриш зарур бўлади, бу билан билан 2460 та иш ўрни яратилади. Агар вилоятнинг ҳар бир туманида ўнтадан қайта ишловчи кичик корхоналар қуриб ишга туширилса, 14 та туманда 140 та кичик корхона барпо этилади. Натижада, ҳар бирида ўртача 30 тадан ишчи ўрни яратилса ва ҳар бир иш билан банд бўлган ишчига ўртача тўрттадан оила аъзолари тўғри келса, тақрибан 20800 киши ижтимоий ҳимояланган бўлади.

Бундан ташқари, мавжуд корхоналарни қайта таъмирлаш, тугалланмаган ишлаб чиқариш объектларини қуриб битказиш, тўла қувват билан ишламаётган корхоналар қувватларидан фойдаланишни маромига етказиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар иш билан банд бўлмаган аҳолини ҳамда вилоятда ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Вилоятда меҳнат бозоридаги вазият кескинлашишининг олдини олишнинг асосий йўналишларидан яна бири, юқорида таъкидланганидек, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлганларга кенг йўл очиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Шу ишларни амалга ошириш орқали аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг янада ишончлироқ кўриниши вужудга келади.

Маълумки, аҳолининг кўп қисми қишлоқларда яшашини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида фаровон турмуш кечириш учун барча шароитларни яратиш ислоҳотларнинг устивор йўналишлари сифатида белгиланди. Мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзда тутилган асосий мақсад аҳолининг ижтимоий муҳофазасини яхшилаш, унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабларини янада тўлароқ қондиришдан иборат. Айнан шу асосда мазкур соҳанинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини эҳтиёж даражасига кўтариш, қишлоқда мавжуд бўлган ишчи кучидан фойдаланиш натижасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга эришилади.

Меҳнат унумдорлигини юқори даражага кўтариш йўлларидан бири соҳадаги ортиқча ишчи кучини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қайта тақсимлашдан иборатдир. Маълумки, республикада ва унинг вилоятларида бу ишни амалга ошириш мавжуд жамоа ва давлат хўжаликларини ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларига айлантиришдан бошланди. Натижада ортиқча ишчи кучи бошқа соҳаларга ўтказилиб, аҳолини ижтимоий муҳофазаси таъминланди. Масалан, Андижон вилоятида шундай тадбирларни амалга ошириш туфайли 48 минг қишлоқ хўжалиги соҳасидан бўшади. Бу вилоят иқтисодиётида банд бўлганларнинг деярли 6 фоизини ташкил этади. Уларнинг бир қисми ижтимоий соҳалардаги янги иш ўринларига ўтиб, ижтимоий ҳимояланди. Албатта, ишлаб чиқаришдан шунча ишчи кучининг қисқартирилиши меҳнат бозоридаги вазиятни кескинлаштириши шубҳасиздир. Бу вазиятни ўнглашнинг асосий йўлларидан бири, юқорида таъкидланганидек, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришдир. Вилоятда кичик ва ўрта бизнес тараққиёти учун кенг йўл очилиб берилди: биргина 2010 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони 22768 тага етган ва у 2009 йилга нисбатан 2448 тага ёки 12 фоизга ортган.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар қишлоқ хўжалиги соҳасида ортиқча бўлган 48 минг киши вилоятдаги ижтимоий, саноат ва қурилиш соҳаларида мавжуд кичик корхоналар талабларига жавоб берадиган даражада малакали қилиб қайта тайёрлаб, шу корхоналарга тақсимланса, уларнинг иш ҳақи сифатида оладиган даромадлари 3,5-3,7 баробарга ошиши мумкин. Бу эса ортиқча ишчи кучи сифатида қишлоқ хўжалиги соҳасидан бўшаганларнинг оилалари умумий даромадининг ортиши, турмуш фаровонлигининг яхшиланиши ҳамда ижтимоий ҳимояланишига олиб келади. Айни пайтда, янги иш жойларини ташкил этиш анча маблағ сарфлашни талаб этади. Бироқ бундай маблағларни қайси манбалардан жалб этиш масалаласи анча долзарб муаммолардан ҳисобланади. Фикримизча, бу соҳада давлат томонидан бериладиган кредитлардан ташқари хусусий капиталдан, хорижий инвестицияларидан ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш борасида сўз юритганда, қишлоқ жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш тўғрисида тўхталиб ўтмасдан иложи йўқ. Чунки ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда бу соҳани тараққий эттиришнинг аҳамияти жуда каттадир.

Вилоятда маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини барпо этиш, уларни ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Лекин бу соҳадаги имкониятларни янада чуқуроқ ўрганиш, вилоят туман-

ларида маиший хизматнинг қайси тармоқларини ривожлантириш мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлигини аниқлаш талаб этилади. Шунга кўра, бу тармоқда янги иш ўринларини яратиш яқин келажакдаги асосий вазифалардан бири бўлмоғи лозим. Бу ўринда вилоят туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини ҳамда туманларда маиший хизмат турларига бўлган талаб даражасини ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этади.

Меҳнат ресурусларини иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этишда, айниқса. ишсиз қолган фуқароларни ишга жойлаштириш, уларни қайта ўқитиш, турли жамоат ишларига жалб этишда иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасининг роли каттадир. Андижон вилояти иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг тақсимланиши тахлил этилганда шу нарса маълум бўлдики, жамғарма вилоят аҳолисини иш билан таъминлаш соҳасидаги ўз вазифасини қониқарли даражада бажара олмаяпти. Масалан, 2010 йилда жамғармадан янги ишчи ўринлари яратиш учун деярли маблағ сарфланмаган. Мазкур йилда меҳнат органларига мурожаат этганларни касбга ўргатиш, қайта ўқитиш, касбни ўзгартириш учун жамғарма маблағларининг 30 фоизи сарфланган, холос. Ишсизларни жамоат ишларига жалб этиш, ишсизлик нафақалари тўлаш учун эса мувофиқ равишда умумий маблағларнинг 2,5 ва 8,8 фоизи сарфланганлиги кузатилади.

Демак, бандлик хизматларининг асосий вазифаси ишсизларни ижтимоий адаптациясига ёрдам бериш, жамоат ишлари доирасини кенгайтириш, ишсизларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат бўлмоғи даркор. Улар фақатгина ишсизларни ҳисобга олиш ва уларга ишсизлик нафақаси тўлаш билангина чегараланиб қолмасликлари лозим. Бинобарин, жойлардаги бандлик хизматлари фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш механизмининг асосий бўғинига айланиши керак. Шунда ташкил этилган ишчи ўринларини сақлаб қолиш билан ишчиларни доимий иш ва барқарор иш ҳақи билан таъминлаш имконияти яратилади ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш яхшиланади. Алоҳида қайд этиш зарурки, бандлик ва аҳолини иш билан таъминлаш борасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш, ижтимоий меҳнат муносабатларида улар қўллайдиган барча устувор усулларни амалга татбиқ этиш ҳам келажакда мавжуд муаммоларни ҳал этишга яқиндан ёрдам беради. Шу ўринда иш билан бандликнинг «Швед модели» ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли. Гап шундаки, Швецияда бандлик соҳасида фаол сиёсат амалга оширилади, яъни иш билан бандликни таъминлашга ажратилган маблағлар асосан янги иш ўринлари яратиш ва ишсиз қолганларни касбга ўргатишга сарфланади. Гарчи Швецияда бандликни таъминлашга йўналтирилган маблағларнинг бюджетдаги улуши бошқа мамлакатлардагидан кўп бўлмаса-да, айни тадбирларни амалга ошириш учун бошқа давлатларга нисбатан кўпроқ маблағ сарфланади. Яъни, бошқа мамлакатлар маблағни ишсизларга сарфласа, Швеция уларни ишчи кучининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга йўналтиради. Демак, бу билан фаол ижтимоий сиёсат амалга оширилади. Айнан шундай илғор тажрибаларни амалда қўллаш Ўзбекистонда ҳам аҳолининг самарали бандлигини таъминлашга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Мақолалар тўплами. – Т., 1994.

Андижон давлат университети,
2013 йил 12 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: г.ф.н. А.Исаев)